

**СУДЛАРГА ИШГА КИРИШ ТАРТИБИ, НОМЗОДЛАРГА
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ТАҚДИМ ҚИЛИНИШИ
ЛОЗИМ БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

Кадрлар захирасини шакллантириш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2024 йил 29 февралдаги РС-09-24-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қўйи судларда кадрлар захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **низом** талабларига мувофиқ судларга ишга кириш истагида бўлган фуқаролар дастлаб тегишлилиги бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг **кадрлар захирасини шакллантириш бўйича комиссияларига ариза** билан мурожаат қилиши талаб этилади.

Номзоднинг кадрлар захирасига киритишни сўраб йўллаган аризасига қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

номзоднинг маълумотнома-объективкаси (яқин қариндошлари ҳақида маълумот билан бирга);

диплом (дипломдан кўчирма)нинг нусхаси, чет элда ўқиганлиги тўғрисида дипломга эса, диплом тан олинганлиги ва нострификация қилинганлигини тасдиқловчи гувоҳнома;

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат ёхуд идентификацияловчи ID-карта нусхасини;

меҳнат дафтарчасининг нусхасини (биринчи марта ишга кираётганлар бундан мустасно);

хорижий тилни билиш бўйича сертификат (мавжуд бўлса).

Номзодларга қўйиладиган малака талаблари:

Туманлараро, туман (шаҳар) судлар аппаратининг **бошқарув лавозимларига:**

юриспруденция таълим йўналиши бўйича камида ўрта махсус профессионал маълумотга;

бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

намунавий шахсий фазилатларга – интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарорлар

қабул қилиш ва иш тутиш, қатъият билан ҳаракат қилиш, стратегик мақсадларга эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиш.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар аппаратининг бошқарув лавозимларига:

камида бакалавр даражасидаги олий юридик маълумотга;

бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

намунавий шахсий фазилатларга – интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарорлар қабул қилиш ва иш тутиш, қатъият билан ҳаракат қилиш, стратегик мақсадларга эришишни таъминлаш хусусиятларига;

қуйи судларда камида 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлиш.

Олий суд аппаратининг бошқарув лавозимларига:

камида бакалавр даражасидаги олий юридик маълумотга;

бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;

намунавий шахсий фазилатларга – интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарорлар қабул қилиш ва иш тутиш, қатъият билан ҳаракат қилиш, стратегик мақсадларга эришишни таъминлаш хусусиятларига;

қуйи судларда камида 3 йиллик меҳнат стажига эга бўлиш.

Суд органларидаги ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик, бухгалтерия, архив иши ҳамда хўжалик масалалари бўйича бошқарув тоифасидаги лавозимларни эгаллаш учун юридик маълумот ва меҳнат стажи талаб этилмайди.

Ушбу лавозимлар бўйича малака талаблари меҳнат фаолияти йўналишидан келиб чиққан ҳолда ички идоравий ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Барча талабларни бажарган номзодлар вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг кадрлар захирасини шакллантириш бўйича комиссияси томонидан ўтказиладиган **очиқ танлов** натижаларига кўра кадрлар захирасига киритилади ёки киритиш рад этилади.

Ишга қабул қилиш тартиби

Судлардаги мавжуд **бўш (вакант) лавозимларга** фақат вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг кадрлар захирасини шакллантириш бўйича комиссиялари томонидан **очиқ танлов** натижаларига кўра кадрлар захирасига **киритилган номзодлар** ишга қабул қилинади.

Ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахс Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 124-моддасида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Кадрлар бошқармаси